



ЮКСАК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНУМДОРЛИГИ

2-бет



ИБРАТОМУЗ
ҲАЁТ
САБОҚЛАРИ

4-5-бет

ЎЙЛАБ
ТОПИЛМАГАН
ҲАНГОМАЛАР

6-бет



ФАРЗАНДЛАРИ
СОҒЛОМ ЮРТ...

7-бет

СЕШАНБА



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 127 (9.930)

2003 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора- тадбирлари тўғрисида

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, товар айланишини рағбатлантириш ҳамда бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар), умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи жорий этилсин.

Маъмур корхоналарда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинadиган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

2. Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхоналарнинг ихтисослашуви, жойлашуви ва бошқа ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда белгиланади.

3. Белгилансинки, ялпи даромад солиғи: улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи тушумдан ягона солиқ тўлаш ўрнига;

чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан белгиланган даромаддан олинadиган ягона солиқ ўрнига тўланади.

Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғини тўлаш билан бир қаторда умум-белгиланган тартибда мулк солиғини ҳам тўлайдилар.

4. Улгуржи савдо корхоналарига ўзининг фирма дўконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдонинг амалга оширишга назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ва нақд тушумини белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан рухсат берилсин.

5. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сонли Фармонининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 июнь



Бугунги кунда пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг мамлакатимиз бозорига ўзининг янги, сифатли ва рақобатбардош маҳсулоти билан кириб келаётгани кувонарлидир.

САМАРАЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Ана шундай жамоалардан бири — «Сорб-тех» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмасда,

унинг керакли ва зарур, харидорлар маҳсулотлари 20 хилдан ортиб кетди. Корхонада эса изланишлар кун сайин давом этмокда. Мухими эса ушбу маҳсулотларга нафақат мамлакатимизда, балки Туркия, Россия ва Қозғистон давлатларида ҳам харидорлар кўпайиб бораётганлигидир.

Бу эса корхона тадбиркорларидан янада самаралироқ фаолият юритишни, маҳсулотлар сифати устида тинмай изланишни талаб этмокда. — Жамоамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар атрофмухит, табиий ресурсларимиз зарарланишининг олдини олишда кўл келади ҳамда доридармонларимиз инсонлар саломатлиги учун хизмат қилади, — дейди корхона бош директори

нинг ўринбосари Мирзаҳаҳим Алимов. — Айни кунларда эса ана шундай дори-дармонларнинг янги турларини яратиш устида изланишларимиз самараси эса сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларимизда ўз аксини топишини истаймиз.

Бунинг учун эса билим ва тажриба кўл келишини, тинимсиз меҳнат қилиш лозимлигини ҳар бир корхона аъзоси жуда яхши ҳис этади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Мирзаҳаҳим Алимов ва катта лаборант Зумрад Ахророва маҳсулот тажриба-синов ишларини ўтказишмокда; қадоқловчи Фазилат Аннеева корхонада ишлаб чиқарилган «Бакстимс» дориси билан.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

синф ўқувчилари учун янги «Алиф-бе» китоби нашрдан чиқарилди.

□ ЭКОСАН халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Яқасарой туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда тумандаги «Дамарик» маҳалласида «Аёл ва экология» мақсадли дастури доирасида «Экология ва саломатлик» мавзусида учрашув ташкил этди.

□ ШАЙХОНТОХУР туманидаги «Қоратош» маҳалла гузарига «Маҳалла фуқароларига ҳуқуқий маслаҳат, ёрдам кўрсатишни шакллантириш ва такомиллаштириш чоралари» мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган маҳалла оқсқолларига «Ҳуқуқий маслаҳатлар» номи китоб тарқатилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

XXI саҳоси
Хаср
Барча мактаблардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳ Каримов Оқсаройда Франция муҳофаа вазири Мишель Аллио-Марини қабул қилди. Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги тикланиш ишлари хусусида сўз борди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳ Каримов давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, мамлакатимизда биринчи бўлиб галла тайёрлаш бўйича шартнома режани муваффақиятли бажарган Сурхондарё вилояти галлакорларига табрик йўлади.

• Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманидаги Тошкент Давлат аграр университети ўқув-тажриба ишлаб чиқариш ширкат ҳўжалиги лалми ерларига қадалган «Пальма» деб номланган янги бугдой нави яхши натижалар берди.

• Биринчи Тошкент Тиббиёт институтида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор ва ўқитувчиларининг анжумани бўлиб ўтди.

Жаҳонда

• Буюк Британияда дунёдаги энг катта денгиз электротурбинаси ишга туширилди. Англиянинг Девон графлигида ўрна-тилган турбина денгиз тўлқинларидаги энергияни электр токига айлантиради.

• Япониялик олимлар бундан беш йил аввал Марсга учирилган фазовий экспедициядаги техникавий носозликни бартараф этишга муваффақ бўлишди.

• Филиппин ҳукумати «Моро ислом озодлиги fronti» айирмачилари билан музокараларни қайтадан йўлга қўйиш нияти борлигини расман маълум қилди.

Бугун «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ташкил топганига 37 йил тўлди. «Оқшом» газеталарини қўллаб-қувватлаб, унга мададкор бўлаётган барча мухлисларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Иқтисодиёт

Ҳамкорлик
меваси

«Сони-ТА» хусусий фирмаси тайёрлаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Тадбиркорлар ёнгина чидамли 5 турдаги калитли ва кодли металл сейфларни ишлаб чиқаришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Бундан ташқари фирмада дераза ромлари, эшик, офислар учун темир мебеллар ҳам тайёрланмоқда.

— Асосий буюртмачиларимиз корхоналар, ташкилотлар ва банклар бўлиб, маҳсулотимизни ишлаб чиқаришда Эроннинг «Маржон электрик» компанияси билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди корхона раҳбари Содик Жаъфаров.

Айни кунларда хусусий фирма тадбиркорлари Эрон «Содират» банкининг шаҳримиздаги шўъбасидан катта миқдорда кредит олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш устида иш олиб бормоқда.

Эътибор
қаратилмоқда

Самарали фаолият юритаётган кичик корхоналардан бири «Агава» хусусий фирмасидир.

Мазкур корхона истеъмолдан чиқарилган, таъмирга муҳтож маиший хизмат аппаратларини қайта таъмирлаб беради. Шунингдек корхонада фаолият юритаётган ўз қасбининг моҳир усталари иш сифатига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Керакли эҳтиёт қисмларни Россия Федерациясидан шартнома орқали оламиз, — дейди фирма раҳбари Василий Ким. — Бундан ташқари телевизор экранлари учун электрон пушкани ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Асосий мақсадимиз мижозларни намунали ва сифатли хизматимиз билан мамнун этишдир.

Экспорт
қилинади

«Нил» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонасида халқимиз истеъмоли учун турли қоғозлар ишлаб чиқарилади.

Корхона ўз фаолиятини бошлаганига 9 йилдан ошмоқда. Шу вақт оралиғида жамоа ўзининг ишончли ҳамкорларига эга бўлиб кундалик ҳаётимизда ишлатилаётган «Силин», «Гала» қоғозларининг 4 турини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Жорий йил якунигача корхона тадбиркорлари ўз маҳсулотларини қўшни давлатларга ҳам экспорт қилишни режалаштирган.

Шахло ҲОШИМОВА


Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда комбинат цехларида замонавий, жаҳон талаблари даражасидаги матбаа дастгоҳ, ускуналари ўрнатилган. Бугунги кунда корхонада 700 нафарга яқин ишчи-хизматчилар меҳнатлари эвазига сифатли, бежирим матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Сифатли ҳамда кўплаб турдаги матбаа маҳсулотларини буюртмачиларга манзур қилиш учун биринчи навбатда юқори сифатли хом ашё ва албатта юксак унумли технологиялар зарурлиги ҳеч кимга сир эмас, — дейди комбинат директори Зоир Исажонов. — Шу мақсадларда Россиядан сифатли қоғоз олсак Германиядан юқори самарали матбаа ускуналарини келтириб ўрнатганмиз.

Мазкур корхонанинг босма, рақамли технологиялар цехларидаги ускуна, дастгоҳларда жаҳон андозларида мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Барча хориж техника ва технологияларини маҳаллий ёшларимиз бошқармоқдалар. Мухр ишлаб чиқариш, тезкор бадий цех ҳамда чипта цехларида муҳр, штамп, клише, гувоҳнома, диплом, таклиф, ташриф қоғозларининг ўзидан 20 дан ортиқ хили тайёрланади. Шунингдек, республикада мактаб ўқувчилари учун чоп этиладиган дарсликларнинг 60 фоиздан кўпроги айнан шу ерда тайёрланади.

Комбинат жамоаси узок йиллардан буён Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Матбаачилар коллежининг педагог-ўқитувчилари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Комбинат ишчиларидан 10-11 нафари ҳар йили институтнинг кундузи ва сиртки бўлимларида ўқишга кириб, улардан 3-4 нафари магистратурада ҳам ўқишни давом эттиришга муваффақ бўлмоқдалар. Уларни ўқитиш учун комбинат керакли маблағ ажратади ҳамда битирувчилар шу ерда иш билан таъминланадилар.

Ҳозирги кунда комбинатда иш қизгин. Жорий йилнинг 4 ойи мобайнида жамоа аҳли 1 ярим миллиард сўмлик сифатли матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариб, мижозларни мамнун қилдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхонада ўқув дарсликларини чоп этиш ишлари бошлаб юборилган.



• ИҚТИСОДИЁТ

ЎЗ СОҲАСИДА
ЕТАКЧИ КОРХОНА

Мустақиллик туфайли матбаа соҳаси ҳам йилдан йилга ривожланиб, ушбу соҳада меҳнат қилаётган корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига қарашли Тошкент матбаа комбинатининг мазкур соҳада ўзининг алоҳида ўрни бор.



ган ҳолда, мақсадлари томон муваффақиятли одимламоқдалар.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: (чапдан—ўнга) сифат назорати бўлимининг ёш, ишчан ходими Нодир Иброҳимов, директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Рихсибой Мусаев ҳамда сифат назорати бўлими бошлиғи Сурайё Сафавалар навбатдаги буюртмаларни кўздан кечирмоқдалар; сараловчи Онабиёт Хайдарова ўз ишининг устаси ҳисобланади; корхона босма цехининг малакали ишчиси Бахтиёр Хайдаров.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

• АНЖУМАНЛАР

Ахборот тизими синовдан
ўтказилади

Давлат божхона кўмитасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, республикамизда фаолият кўрсатаётган 20 та тижорат банклари, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги вакиллари иштирокида «Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини (ТСО ЯЭАТ) синовдан ўтказиш» масалаларига бағишланган семинар кенгаши ўтказилди.

Семинар-кенгаши ишига бошчилик қилган мазкур кўмита раиси ўринбосари Х. Серикбаев ҳозирги кунда бирор бир соҳани ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмаслигини, ТСО

ЯЭАТ тизими Ҳукумат қарорларини амалга ошириш мақсадида яратилганлигини таъкидлаб, ушбу тизим аҳамияти хусусида ўз фикрларини билдирди.

Ушбу семинар кенгашида

ТСО ЯЭАТ тизимида ахборот алмашиш имкониятлари, ахборотларни Веб-технология асосида ҳамда файл кўринишида алмашиш жараёнларининг хавфсизлик масалалари, ТСО ЯЭАТ тизимини бир

ойлик муддат билан барча иштирокчи вазирлик ва идораларда, жумладан бир неча тижорат банкларида синовдан ўтказишга қилишиб олинди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари томонидан ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини ривожлантириш мақсадида ахборотлар қайси форматда бўлишидан қатъий назар уларни ТСО ЯЭАТ базасига қабул қилишни автоматлаштириш ва ҳозир амалда бўлган эски шартномалар ҳисобини юритишни кўзда тутувчи таклифлар қабул қилинди.

Нурбек САЛОМОВ

«Тошкент
оқшоми»**ҲУҚУҚИЙ
МАСПАХАТХОНАСИ****Қонунга ҳурмат ва
итоаткорлик – ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

- Азиз китобхон, ёдингда бўлсинки, мамлакатимизда:
- Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулк дахлсиз ва у қонун билан қўриқланади
 - Барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланади
 - Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади
 - Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт
 - Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади
 - Ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, яъни уни лозим даражада, яхши кўринишда сақлашдан ташқари зарур тўловларнинг ҳаммасини, шу жумладан кўрсатилган хизмат ҳақини, тегишли солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўлаш мулкдор зиммасидадир
 - Мулк ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинади. Мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олишга ҳақли
 - Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу иморатни у сотишга, ҳада этишга, ижара ёки арендага беришга ҳақли эмас
 - Ашёни топиб олган шахс уни олишга ҳақли бўлган шахсдан топилма учун ашё қийматининг йигирма фоизига қадар миқдорда мукофот талаб қилишга ҳақли
 - Ҳазина уни топган шахс билан ҳазина топилган мол-мулк мулкдори бўлган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади
 - Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат ҳазина топилган тақдирда, улар давлатга топширилиши керак. Бунда ҳазина яшириб қўйилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва ҳазинани топган шахс биргаликда ҳазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эга

Яна шунинг ҳам унутмаслик лозимки:

- Мол-мулкнинг тасодифан nobud бўлиши ёки шикастланиши хавфи, қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқача тартиб назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мулкдор зиммасидадир
- Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилишини, ҳатто бу ҳуқуқбузарлик эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин
- Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади. Бундай ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади
- Эгасиз ашё ҳисобга олинганидан кейин уни уч йил ўтгач, фақат суд тартибиде давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказиш мумкин
- Қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади
- Мерос мол-мулк мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан кейин суднинг ҳал қилув қарори асосида эгасиз қолган деб топилади ва бу мол-мулк қаерда турган бўлса, ўша жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, мазкур орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда эса давлат мулкига ўтади
- Топилма тўғрисида тегишли органга хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда бу ашёга бўлган ҳуқуқ тўғрисида белгиланган тартибда арз қилинмаган бўлса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади
- Қаровсиз ёки адашган чорва молларни ёхуд бошқа қаровсиз уй ҳайвонлари ёки қўлга ўргатилган ҳайвонларни тутиб олган шахс уларни эгасига қайтариши шарт. Эгаси номаълум бўлса, топилган ҳайвон ҳақида уч кундан кечиктирмай милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилиши шарт

(Давоми бор)

ТАДБИРЛАР**Ғолиблар
тақдирланди**

Куни кеча Собир Рахимов тумани ҳокимлигида маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва педагог-тарбиячиларнинг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, маҳалла ҳудудида фуқаролар оёсийиштигини таъминлаш, жинс-ноятчиликлари, гетерандлик ва диний экстремизм тарқалишининг олдини олиш, маҳаллаларда оёсийишталлик ва ободонлаштириш ишларини яхшилаш ва масъулиятларини янада ошириш мақсадида ўтказилган «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси», «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори» ва «Энг яхши педагог тарбиячи» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари нафақат Обод маҳалла йилида, балки ҳар доим ҳам миллий урф-одатларимиз тимсоли бўлмиш маҳаллаларнинг обод ва фаровон, фуқаролари юқори маданиятга инсонлар қаторидан ўрин олишлари лозим эканлиги ҳақида фикр билдирдилар.

Шунингдек, шу куни ёзги

таътил даврида туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёшларнинг дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Камалак» болалар ташкилоти туман бўлими ва «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази билан ҳамкорликда 249-мактаб спорт майдончасида «Беруний» ва «Мирза Ғолиб» маҳалла ёшлари ўртасида «Қув-



ноқ стартлар» мусобақаси бўлиб ўтди.

Қизиқarli, баҳсларга бой ушбу мусобақа барча қатнашчиларга манзур бўлди ва бундай мусобақаларни доимий равишда ўтказиб туришга келишиб олинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳа.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!**РАҚАМЛИ
ТИББИЁТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Бундан беш йил аввал Тошкентда янги тиббий технологиялар республика маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўтган шу қисқа давр ичида марказ рақамли тиббий технологияларни амалиётга татбиқ этишга, замонавий муолажавий ташхис жиҳозларини ишлаб чиқаришга доир кўпгина янгиликларни амалга оширди.

Компьютерли электрокардиографиянинг янги авлодини яратишда ҳам марказ самарали изланди. Бу техникавий янгиликларнинг барчаси рақамли технология бўйича ишламоқда.

Марказнинг Россиядаги «Альтона» фирмаси билан ҳамкорлиги ҳам яхши натижа бермоқда. Бундай алоқа Италиядаги «Атес медиса» фирмаси билан ҳам йўлга қўйилди.

Марказнинг жиддий изланиши натижаси ўлароқ янги тиббий тизим ҳам юзга келди. Инсон ҳаёт фаолиятига янгича методик ёндошушни тақомиллаштиришда бу янгилик қўл келади.

Аҳмад АББОСОВ

**Ҳамиша ёрдамга тайёр**

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси, бу борада маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш ҳар бир милиция участка инспекторининг асосий вазифаси ҳисобланади. Мирзо Улуғбек туманидаги «Яланғоч» маҳалласи профилактика инспектори милиция капитани Шухрат Муталов ҳам бунини яхши билади. Профилактика инспектори ўз фаолиятида ёшлар билан ишлашга катта аҳамият беради. Доимо уларнинг турмушлари ва қизиқиш доираларидан хабардор бўлиб туради. Лозим бўлганда эса уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлида ўз ёрдам қўлини қўйишга тайёр. Ҳеч нарса ҳушёр ва одамшинаванда Шухрат аканинг эътиборидан четда қолмайди. Худди ана шу ҳаммага қўшилиб кетиши, қувноқлилиги, эътиборлилиги, вазият тақозо этганда эса талабчанинги хислатлари учун ҳам уни маҳаллада ёш кекса бирдай ҳурмат қилишади. Энг муҳими, қийин вазиятларда у ёшларга маънавий ва жисмоний жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимо тайёр.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: милиция капитани Шухрат Муталов «Биолак» клубида маҳалла болаларига оғир атлетикадан сабоқ бермоқда.

Алексей Попов олган сурат.

АНЖУМАНЛАР**ИПАК ЙЎЛИ — ДЎСТЛИК ЙЎЛИ**

Ўзбекистон Миллий академик драма театрида «Ипак йўли — дўстлик йўли» деб номланган санъат фестивали бўлиб ўтди.

Маълумки, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий ҳамда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, турли халқлар тарихи, урф-одатлари санъати билан танишишдан Буюк ипак йўлининг ўрни катта бўлган.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан иккинчи мартаба ташкил этилган ушбу фестивалда Корея Республикаси, Миср, Польша, Покистон, Россия, Франция, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Ҳиндистон давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари Ипак йўли орқали ривож топган маданиятлар тараққиётини ўз давлатлари мисолида изҳор этдилар.

Фестиваль давомида Ипак йўлида жойлаш-

ган давлатлар тарихи ҳақидаги маълумотлар, фильмлар билан бир қаторда турли халқлар амалий санъати намуналарини ўз ичига олган кўргазма ҳам намойиш этилди.

Тадбирда иштирок этган нодавлат ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари ва кенг жамоатчилик «Буюк ипак йўли»да жойлашган мамлакатлар халқларининг куй-қўшиқлари, рақсларидан баҳраманд бўлдилар. Улар ўз чиқишларида намойиш этган бу шодиёнани ўзбек диёридаги дўстлик, бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг бир кўриниши, дея баҳоладилар.

Фестиваль сўнгига иштирокчиларга Дўстлик жамиятлари Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Орзуғул РУСТАМОВА

Катта ёшли ва обрў-этибор қозонган Нурниёз ака қўчага сув селиб, супуриб, дарвозасининг икки чеккасига безатилган гулдасталарни қўйди. Кўчанинг қиёфаси дарров ўзгариб, унга фэйз кирди ва ўтаётган одамларнинг диққатини жалб этди. Улар Нурниёз ака билан қуюқ саломлашиб гулдасталар қўйилганлигининг сабабини сўрашганда, у «Бир ҳафсала қилдим-да», дея жавоб беришдан нарига ўтмади.

Нурниёз аканинг ишларини қўшнилардан биринчи бўлиб унинг уйининг рўпарасидаги тўрт қаватли уйда яшовчи Ҳанифа опа қўриб ҳайратланди. «Вой тавба, — деди ўзига ўзи, — тўй бўлаётган бўлса билардик, лекин бу ҳақда эшитганимиз йўқ. Нима учун у ҳеч нарсадан ҳеч нарсга йўқ, эркак бошига кўчани тозалаб, гулдасталарни қўйди?».

Ҳанифа опа бу саволга жавоб топа олмай қўшни аёлларга бирин-кетин телефон қоқиб хабар берди. Тўрт қаватли бинонинг балконларида бир зумда аёллар пайдо бўлиб Нурниёз аканинг ишларини томоша қилишиб, жуда ҳайратландилар. Улар пастга тушиб ва бир жойга тўпланиб муҳокамани қизитдилар. Сўзни Ҳислат опа бошлаб деди: «Менинг назаримда Нурниёз ака уйланиш ва келинни кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Хотини Парчагул опа касалхонада оғир операциядан кейин бошқа шаҳарга ота-онасиникига кетган. Нега у касалхонадан уйига келмай ота-онасиникига кетди. Бу ерда бир гап бор, эри хотин ажрашибди».

«Тўғри айтасиз, — дея суҳбатга қўшилди Лазиза опа, — эркак зотиға ҳамма вақт ишониб бўлмас экан. Менинг қариндошим хотини оғир дардга чалиниб ётиб қолганда бошқа аёлга уйланиб ичкуёвликни бўйнига олди. Хотини эса чиққиллаб қолаверди, дардига дард қўшилди. Ваҳоланки, одамлар ўша қариндошларимни инсофли ва тартибди одам дейишарди». Шуни айтдилар-да, одамнинг сири ичиде, ҳайвонники сиртида деб.

Шу тариха аёллар ўзаро суҳбатлашиб ва қизилиб турганда Нурниёз ака ниятда ясанган ва хурсанд ҳолда уйдан чиқиб гулдасталарни тўғрилаб ва ҳидлаб қўйди. Буни кўрган аёллар қувға ўшаб кийинибди, демак уйланаётгани рост экан дея хулоса чиқаришди. Уларнинг орасида, нафрати қўзиб Нурниёз акани қарганлар ҳам бўлибди. Аммо, аёллардан бири — Асал опа: «Билар-билмас Нурниёз акани қоралаш яхши эмас. У жуда виждонли ва ориятли одам ҳисобланиб, хотинига нисбатан хиёнат қилмайди. Сабр қилайлик, вақти келиб ҳамма нарсга аён бўлади».

«Нотўғри гапиряпсиз, Асал опа, — дебди Замира опа — ҳаммамиз нима бўлаётганини кўриб турибмиз. Нурниёз ака хотинининг вафодорлигини унутиб ғуноҳга ботди. Эсингиз-

дами, у киши 3 ой касал бўлиб ётганда Гулпарча опа шундай яхши парваршиш қилдики, гапирган билан адо бўлмайди. Наҳотки, яхшиликка ёмонлик қилишни виждони қабул қилса. Билмай юрганмиз, бағри тош одам экан, унинг адолати сизлигига чидаб бўлмайди, қилмишини маҳаллада муҳокама қилиб адабини бериш керак».

Нурниёз ака эшигининг тагида тўхтаган машинадан қўлида сурнай ушлаган киши тушиб: — Амакижон! Қалайсиз, кенноним тузалдиларми? Мен қўшни маҳалладаги бешик тўйига кетаётиб йўл-йўлакай сиздан хабар олай деб келдим, деди.

— Раҳмат жиян, акам яхшиларми? Бизлар тинч ва соғ-саломат юрибмиз.

Сурнайчи гулдасталар қўйилганлигининг сабабини сўраганда Нурниёз ака унинг қўлогига шивирлаб тушунтирди.

— Амакижон, сиз яхши кўрган наво қўйини чалайми?

— Қанийди чалсанг кўп хурсанд бўлардим.

Сурнайнинг жозибдор овози атроф жойларга таралиб, одамлар кўчага чиқишиб томоша қилишибди. Уларнинг орасида рақсга тушганлар ҳам бўлибди. Сурнайнинг чалиниши тўпланган аёлларнинг Нурниёз аканинг уйланаётганини ҳақида фикрини такрор тасдиқлаб нафратини янада жўш урдирди.

Бир пайт никоҳ тўйида келинлар тушадиган узун оқ машина тўхтади. Аёллар келин келди, келин келди, дейишиб чувиллашибди. Шу орада машинадан Гулпарча опа онаси билан тушса бўладими, аёллар ханг-манг бўлишиб: «Ё тавба, ё тавба, тушимизми ёки ўнгимизми» дейишиб ҳаяжонланишибди.

Нурниёз ака хотини ва қайнонаси билан қучоқлашиб кўришибди ва гулдастани совға қилибди. Аёллар ҳам келишиб самимий равишда саломлашибди. «Нурниёз ака — дебди Гулпарча опа, — одамларнинг тўпланганлигини, гулдасталарни ва сурнайни кўриб ҳайрон бўлдим. Ўзи нима гап?»

— Азизим! Сенинг оғир касалликдан соғайганинг шарафига шу ишларни уюштирдим. Ахир сен уч ўғил ва уч қизнинг онасисан. Менга ва фарзандларингга жонингни тиккан табаррук зотсан. Бизларнинг ҳам хўрмиш, меҳрибонимиз ва фарзандамизсан. Онам ўлим тўшагда ётганлигини эшитиб, касалхонадан тўғри уникига бориб оёққа тургазисан. Сен ақл-идрокли, покиза ва вафодорсан. Гулдасталарга келганда шуни унутмагинки, у совға қилинганда соғ-саломатлик, тинчлик ва аҳиллик, орзу-ҳавасларнинг рўёбга чиқишини англатади. Улар ўзаро ҳурмат ва иззат, обрў-этибор ва оқибат рамзидир.

Сендек аёлни тарбиялаган онамга минг раҳмат!

«Сизни — дебди қайнона, —

ўғлимдек кўриб дуо қилиб юрам. Қизимнинг билмаганини ўргатдингиз, билганининг қадрига етдингиз. Унга ва менга гамхўрлик ва меҳрибончиликни қанда қилмадингиз. Сиздек олижаноб одамни тарбиялаган ота-онангизга ҳазор раҳмат!».

Фавқуллодда йиғилган жамоа ахли кўрганларидан лол қолиб тарқалишди. Гулпарча опа аёллар қўршовида ҳовлисига кирганда оёғи тагига қўй қурбонликка сўйилди.

Аёллар ҳеч кўрмаган ва эшитмаган ажойиб воқеадан қаттиқ таъсирланиб, мамнуниятлик билан тарқалдилар. Уларнинг орасида кўнгли ўксиганлар ҳам бўлиб айрим хонадонларда гавго содир бўлди. Аввало, ўша юқорида тилга олинган Ҳанифа опа шиддат билан уйига бориб эрига: —

— Ҳа баракалла, ақлингиз

нинг оёқ ости бўлиб ва эзилиб юрганимни англадим. Қанчадан-қанча байрамлар ва туғилган кунлар ўтиб кетди, лекин кўнглим учун бирор мартаба бўлса ҳам гул совға қилиб кўпчилигимиз ҳузурида шайнингга яхши гапларни изҳор қилмадингиз. Аммо, бегона аёлларнинг туғилган кунига борганингизда уларни табриклийсиз, ва роса мактайсиз. Сиз бегонапараст эрсиз, олдингизда оқаётган сувнинг қадрига етмайсиз. Сиздақанги эрни мана шундай қилиб боплаб таъзирини бериш керак».

— Илтимос, шовқин солма, бундан буён сени гулларга қўмиб ташлайман. Илоҳи топилса телевизорда намунали хотин сифатида мактайман. Мени кечир.

— Ҳа баракалла, ақлингиз

ларнинг ишлари ёқмаслиги турган гап.

Шу пайтда меҳмонлар келиб эр-хотиннинг тўқнашуви тўхтаб қолади.

Анорхоной исмли аёл эрини зарда билан исканжага олди: «Сизда фаросат борми ёки йўқми, чиройлики хунукдан ажрата оласизми? Кўриб турдингиз Гулпарча аканинг ранги-боси қора ва ўзи тўла бўлсада эри қафтида ўтириб, кўз-кўз қилиб обрўини ошириб юборди. Энди менинг сўздан ҳам оппоқлигим ва қадди-қоматимнинг келишганлигини ўша хотинга солиштиринг, осмон билан ерчалик фарқи бор. Мен ишхона ва кўчада юрган эркаклар мендан кўзини узолмай махлиё бўладилар. Ҳатто улар жонларини фидо қилишга тайёр турадилар.

хонга таъсир қилиб, у индамай ошхонага овқат тайёрлашга кириб кетди.

Ойбиби эса жаҳл билан кўчада ўтирган эрини уйга олиб кириб: «Шуни билингки, чинакам эркак сахий ва мард бўлади. Аввал у хотини учун жонини фидо айлаб, имкони борида кўнглини олишга ҳаракат қилади. Нурниёз акам ана шундай эркаклардан экан. Уни сизга солиштирса, тамомила бошқачасиз. Турмуш қурганимизга 20 йил бўлди, шу орада бир неча мартаба касалхонада ётиб чиқдим. Аммо қурбонликка қўй у ёқда турсин, битта хўрозни ҳам атаб сўймадингиз. Пулни устма-уст тахлаб йиғишга муккадан тушдингиз. Ҳозир ўн кундан буён уйда гўшт йўқ. Мен ва болаларингизнинг гўштига таъйёр еявериб тинка-

Розимисан?»

Бундай сўзларни умр бўйи эшитмаган Ойбиби опа хурсандлигидан юраги ёрилган-дек бўлиб дебди:

— Султоним! Чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман.

— Аввало сенга қойилман. Султоним деб мени кўкка кўтардинг. Мени шунчалик севасанми, минг раҳмат. Мени кечир, ҳақиқатан ҳам ўз вақтида хурматингни ўрнига қўя олмадим. Ҳозир мен туғилган кунингни ўтказмоқчилигимга унчалик ишонмаётирсан. Мана бу пулни укангга бераман. Қўйни келтирсин.

Ойнаса опа эрининг инсофли кирганлигини кўриб севинчли ичига сиғдира олмади.

Зубайра опа ҳам эрини ўрнидан тургазиб, дилидаги

дий ямоқчи бўлса-да хотинини жуда ҳурмат қиларди. Хар баҳор келганда шу кунларга етказганига ҳудода шукр, деб гунафшани онангизга хидлатарди. Гуллар очилганда биринчи узилганини унга совға қиларди. Раҳматли онангиз ўзида йўқ хурсанд бўлиб отангизнинг пешонасини силаб «Бошингиз омон бўлсин», деб дуо қиларди. Улар умрларининг охиригача тинчлик ва аҳилликда яшашди. Биз эр-хотин бир-бирларимизни ардоқласак, фарзандларимиз ҳам бунини кўриб ҳурмат қилишни ўрганадилар. «Куш уясида қўрганини қиладу» деган нақл ҳам бежиз айтилган.

— Оббо хотиней! Гапга шундай чечансанки, итоат этишимдан бошқа илоҳим қолмади.

Нурниёз аканинг тадбири бошқа эркакларнинг ҳам кўзини очди. Ўрмонқул деган киши уйига келиб ўзидан-ўзи ароқ ва пиво солинган идишларни уриб синдира бошлади. Хотини ва болалари бу тасодифан юз берган воқеадан кўрқибди ва титрашиб нима қилишларини билмадилар. Ҳатто бўш ётган идишлар ҳам синдирилди. Шундан кейин Ўрмонқул хотини ва болаларига: «Мен аҳмоқ мана беш йилдан буён ичкиликка берилиб, сизларни ташлаб қўйдим. Рўзгорга қарашмай ўзимнинг ҳузуримни кўрдим. Болаларимни яхши едирмай ва кийинтирмай қўнғилларини ўксинтирдим ва хўрладим. Сен маликам, чинакам инсонсанки устидан шикоят қилмай ва сир бой бермай бировларнинг уйини тозаладинг ва кирини ювдинг, нима қилсанг ҳам қозонни қайнатиб турдинг. Бугун Нурниёз аканинг қилган ишларини кўриб хатоларимни тушундим ва ичкиликдан тамомила воз кечдим.


Хотини ва болалари бирдан нима қувонибди, уни қучоқлашибди. Айтиқса, хотинининг боши осмонга етиб: «Хўдога минг қатла шукр, бизнинг хонадонимизга бахт қуши кўнди», дебди.

Тўғон аканинг рафиқаси онасиникида касал ҳолда ётган эди. У бозорга тушиб, харажат қилиб, гулдаста билан хотинининг олдида борди. Ҳол-аҳвол сўраб, қайнонасига миннатдорчилик билдириб рафиқасини уйига олиб келиб бока бошлади. Эрининг бирдан ўзгариб меҳрибончилик қилишини сабабини билган рафиқаси Нурниёз аканинг ҳақиқига дуолаб қилибди.

Турсунбой ака эса шаҳар атрофидаги санаторийда дам олаётган хотинининг ҳузурига ош харажатларини қилиб, гулдаста билан бориб хабар олибди. Эрининг бундай меҳрибонлигини кўрган хотини ўзида йўқ хурсанд бўлибди. «Турсунбой ака, — дебди хотини, — мана неваралик ҳам бўлди, лекин ҳеч қачон ҳозирчилик меҳрибон бўлмагансиз. Сиз ўзингизмисиз, таний олмаётирман. Бунинг сабаби борми?»

Вақти соати келиб Нурниёз ака 90 ёшларида вафот қилганда одамлар худди ўзларининг отасини йўқотгандек қуйиб-ёниб, йиғлашиб уни сўнги йўлга қузатишибди. Вафотидан кейин ҳам ҳурмат ва иззат билан тилга олинди, у яшаган кўчага номи қўйилибди. Айрим ота-оналар фарзанд ва набира кўрганларида уларга Нурниёз акага ўхшасин деб унинг исмини қўйишди.

Ҳамид ЗИЁЕВ



• ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

ГУЛДАСТА — КАДРААШ, ХУРМАТ ВА ИЗЗАТ РАМЗИ

Сиз ҳам эркакман, бошимда дўпним бор деб юрибсиз. Нурниёз аканинг хотинига кўрсатган муносабатини кўрдингиз. У ўзининг ҳақиқий эркаклигини кўрсатиб, хотинини осмонга олиб чиқиб мактади. Қани айтингчи, қачон ва қайси ерда гулдаста билан менинг кўнглимни кўтардингиз?

Нима мен ердан чиққанманми, Гулпарча опадан кам жойим борми? У учта ўғил кўрган бўлса, мен бештасини тугиб қўйибман. Битта эмас жуда кўп гулдастани сотиб олишга қўрбингиз етади. Бироқ, мени менсимай юраверасиз, фақат ўзингизнинг ҳузур-ҳаловатингизни ўйлайсиз, холос.

— Ҳой хотин, кўп жаврама, жонимга тегдинг, гап гулдастами?

— Қани айтингчи бўлмасанмада? Билмайсизми, гулдаста ҳурмат ва иззатнинг белгисидир.

— Учир овозингни, бўлмасам калтак ейсан.

— Биласиз, калтак еб индамай кетадиган хотинлардан эмасман.

Ҳанифа опа мана уринг, деб бошини тутди ва йиғи-сиғи билан икки қўлини столга урган-да пичоққа тегиб қонади. Эри шошиб унинг қўлини боғлаб, яхши гаплар билан кўнглини кўтариб, кўчага чиқиб кетди.

Мастона опа ўзича «қорним» эмас қадримга йиғлайман ва деб шошилиб уйига бориб эрининг ёқасидан ушлаб: «Эркак бўлмай башарангиз қурсин, шу бугун кўчадаги воқеани кўриб кўзим мошдек очилди. Ўзим-

бор экан-у, ҳозирча кечирдим, амалда ўзингизни кўрсатсангиз ишонаман.

Бошқа хонадонларда ҳам эр-хотинлар ўртасида шу каби «тўқнашувлар» юз берди. Гулпарча опа эрига қўли ва бармоғини ўқталиб: «Бугунги воқеани биргаликда кўрдик. Тўғрими?» деди.

— Тўғри, қизик ходиса рўй берди. Нурниёз аканинг кимлигини билмай юрган эканмиз.

У хотинпараст, ўзининг қадрини ерга урадиган одамлигини кўрсатди. Ахир хотини касалхонадан чиқса чиқибди, шунга гулдаста совға қилиб, қўй сўйиш ва сурнай чалиш кераклигини ўйлайсиз, холос. Сиз ўйлайсизки эрсиз кўчада қоламани, йўқ ҳали харидорим кўп.

— Шуни унчун ҳам оғзингга келганини тортинмай гапирасан-да, сенинг кўнглинг кўчадагиларда. Мана 6 йил бўлдики, қоматим ўзгаради деб фарзанд кўрмайсан. Аввало, уйим-жойим ва эрим деб иш юритгин, фарзандларни тугиб тарбиялагин, сўнг мен сени елкамда кўтариб юраман.

Ўшанда кўрасан ҳурмат ва иззатни. Ўзинг ахшилаб ўйла, нима учун Нурниёз ака хотинининг қадр-қимматини ўрнига қўйиб ҳаммамизни лол қолдирди. Бу аёл 6 та ўғил-қизларни тарбиялади, эрни парвариш қилди, рўзгор ишлари ва ўқитувчиликни дўндирди. Шунга яраша эринингиз эмас, ҳамма одамларнинг эътибори ва ҳурматиға сазовор бўлди.

Бу адолатли гаплар Анор-

миз куриди. Сизга ўхшаган зикна ва курумсоқ одамларнинг охирига яхши бўлмайди.

— Нафсинг курсин, пулларни сен ва фарзандларимиз келажак учун жамғаряпман. Гап қурбонлик ва гулдасталарни совға қилишда эмас. Бундай ишни қилиш беҳуда исрофгарчилик-ку. Ёмонми, яхшими барибир қора қозон қайнаб турибди, шунга шукр қил.

Худди шу пайтда Ойбибининг укаси ва синглиси катта гулдаста билан келишиб:

— Опақон туғилган кунингиз билан табриклаймиз, деб қучоқлаб кўришибди.

— Жигарларим, катта раҳмат, туғилган куним аллақачон эсимдан чиқиб кетган.

Ойбиби йиғлаб ва миннатдорчилик билдириб, барчани дастурхонга таклиф қилибди. Укаси почаси билан ширин суҳбатлашиб ўтиришибди. Ўйин-кулгу ва хурсандчилик бўлиб хонадон байрам тусини олибди. Буни қарангки, эр-хотин беихтиёр ўйинга тушиб бир-бирларига бўлган меҳри товланибди. Хурсандчилик ва яхши қайфият эр-хотин ва фарзандларини шундай ўзгартириб юборибдики, тасвирлаб бўлмайди. Эри ўз-ўзига дебди: «Хотин ва бола-чақа билан бир дастурхон атрофида ўйин-кулгу қилишнинг гашти бошқача бўлар экану. Кўнглимдаги хиралик кўтарилиб тетиклашдим-ку».

— Хотинжон, — хитоб қилибди эри, — кейинги яқшаб кунни қўй сўйиб туғилган кунингни қайтадан нишонлаймиз.

Санъат

КУМУШ МЕДАЛЬ
СОВРИНДОРЛАРИ

Хиндистонда болалар ижодиёти халқаро танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бундай нуфузли ижодий маҳорат кўригида ўзбекистонлик ёш истеъодлар ҳам фаол қатнашиб келишмоқда.

Ўтган йили хинд диёрининг Шанкар шаҳрида уюштирилган халқаро танловда иштирок этган юртимизнинг тўрт нафар ҳаваскор расмиси таъсис этилган «Жавоҳарлаб Неру Катта медали» мукофот совриндори бўлганди.

Бу сафарги маҳорат кўригида ҳам республикамиз вакиллариға омад қилиб бокди. Унга 60 та ижод намунаси тақдим этилди. Шулардан бештаси халқаро танловнинг кумуш медали ва дипломлари билан тақдирланди. Ижодий ютуққа эришган ёш истеъод соҳиблари орасида республика бадий лицей-интернати ўқувчиси Аслиддин Ортиқов мукофот совриндори бўлиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

МЎҲЖАЗ
ҲАЙКАЛЧАЛАР
ГАЛЕРЕЯСИ

Ўзбекистон Бадий академияси яна бир хайрли ишга қўл урди. Республика архитекторлари билан биргаликда энг яхши мўҳжаз ҳайкалтарошлик ёдгорликлари учун танлов эълон қилинди. Бу санъат-ҳаракат Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Узаро ижодий беллашувда голиб чиққан ҳайкалтарошлик ишлари гўзал пойтахтимиз чиройи янглиғ марказий ҳибонларга, маданият ва истироҳат боғларига ўрнатилиб, улар кўрқига кўрк қўшади.

Энг яхши ҳайкалчалардан бири Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залига кираверишда бунёд этилади. Навоий номидаги миллий боғ ҳудудида эса атоқли шоир Фафур Ғуломнинг «Шум бола» асари қаҳрамонлари қиёфаси акс эттирилган скульптура композицияси ўрнатилади.

Бу ижод намуналари мўҳжаз ҳайкалчалар галереяси сифатида эъзоз топади.

МУЗЕЙГА
БАҒИШЛАНГАН
БУКЛЕТ

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. «Ўзбекистон санъат музейи хазинасидан» деб номланган ҳужжатли фильм чет эллик томошабинларнинг музей экспонатлари билан яқиндан танишишига хизмат қилаёттир.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида юзга келган бу экран асари ўқув фильми сифатида ҳам эътиборни ўзига тортади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳамкорлигида босмага тайёрланган 2003 йил тақвими ҳам чет эллик сайёҳлар учун қўл келди.

Бундан ташқари ушбу компания буюртмаси билан яна бир нашр устида иш олиб боришмоқда. Ҳаво йўллари самолётларида қатнаётган йўловчиларга мўлжалланган ушбу буклетда музей экспозициясини акс эттирувчи матнлар рангли суратлар билан босиб чиқарилади.

Акбар АЛИЕВ

ЯРИМ ҲАЗИЛ,
ЯРИМ ЖИДДИЙ
СЎЗБОШИ

Ўз ташвишим етмасми — мулла Мирфозил туйнукдан тушди, деганларидек бозор иқтисоди ҳаммани ҳаракатга солиб қўйди. Биров ўзини Отчопарга — савдога, биров фермер бўламан деб қишлоққа қизиллади... Бир туппа-тузук ошнам қимизхона очди, анув сафар кирсам «Бир янгилик ихтиро қилдим, қўйнинг ўпкасини сутда пишириб, яхна гўшт қилиб сотмоқчиман», деди. Калласининг ишлаганини қаранг. Биздақаларга эса ҳар куни хотиннинг «дийди»си:

— Сиз ҳадеб телевизорга тикилиб ўтиравермасдан кўчага чиқсангиз-чи!..

— Нима қил дейсан, хотин?

— Худога шукр тагингизда машинангиз бор, ишдан кейин бир соат, ярим соат шундоққина кўча айлансангиз бўлмайdimи? Ҳеч бўлмаса бензин пулингизни топармидингиз...

— Ҳа-я...

Шундай қилиб мен ҳам замоннинг зайлию хотинпошонинг куткуси билан кўчадаги сон мингга киракашлар сафига қўшилдим. Чекингга тушса чекчайма-ю бошга тушганини кўз кўради, деганларидай киракашлик ҳам осон иш эмас экан. Унинг кироий ҳангома-ларидан бир чимдим-бир чимдим эшитинг.

КИРА
ОЛИНМАГАН
КЕЛИН

Бир куни Эски шаҳар тарафдан келаётган эдим иккита қиз қўл кўтарди. Шаҳар марказига олиб бориб қўйишмини сўрашди. Йўлим ҳам шу ёққа эди, уларни олдим. Орқа ўриндикда одоб билан кумри қушлардек кетиб боришпти. Бошқа баъзи бир қизларга ўхшаб шангиллаб гаплашиш йўқ, шарақлаб кулиш ҳам йўқ. Беихтиёр уларни гапга соламан:

— Қаерда ўқийсизлар?

Қизлар ўзлари ўқийдиган олий ўқув юртини айтишди. У ерда танишларим кўп эди, бирма-бир сўраб чиқибман. Қизлар ҳам кўпчилигини танишар экан.

— Бу домлаларни қаердан биласиз? — деб сўраб қолишди улар.

— Менинг ўғлим ҳам, келиним ҳам шу ерни битиришган, — дедим мен мақтангим келиб.

— Сизнинг келинингиз фалончими? — деб сўраб қолди бир пайт қизлардан бири.

— Ҳа, нимаиди? — дедим мен. — Сиз қаердан биласиз?

— Биламан-да, — деди қиз туглиброқ. Кейин аста қўшиб қўйди: — Унинг укасидан менга совчи келаяпти...

Ўни қаранг-а, бу қиз менинг қудамнинг бўлғуси келини чиқиб қолди. Сал қулоғимга чалингандай бўлудди. Салкам қариндош...

Шу орада қизларнинг институтига ҳам етиб келдим. Ҳалиги қиз менга кира ҳақи бериш учун сумкасини очди.

— Тўхтанг қизим, — дедим мен унга. — Агар ростдан ҳам менинг қудамга келин бўладиган бўлсангиз сиздан ҳақ олмайман. Қудамниқига борганда яхшилаб меҳмон қилсангиз бўлди.

Қиз қизариб, «рахмат», деб туриб кетди. Аммо менинг йўл кира ҳақим йўқ бўлиб кетмади. Ҳар сафар қудамниқига борсам кира олинмаган келин елиб-югуриб хизмат қиладди.

• ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

КИРАКАШЛИКНИНГ
КИРОЙИ ҲАНГОМАЛАРИ

(Ўйлаб топилмаган ҳикоялар)



Ёзувчи Мухтор Худойкулов «Киракашликнинг кироий ҳангомалари» деб номланган китоб ёзди. Муаллиф мазкур китобга кирган гоҳ жиддий, гоҳ кулгили тарзда ёзилган бу — ўйлаб топилмаган, яъни ўзи кўрган-кечирган ҳикояларида ҳаётдаги турли воқеалар, кишиларнинг феъл-атворлари, турли тақдирларни қаламга олади, ўқувчини гоҳ кулдириб, гоҳ ўйлантириб қўяди.

Қуйида ана шу ҳикояларнинг айрим-лари билан танишасиз.

«АНУВНАҚА»
ДОМЛА

Бир таксичи куёвим бор, у менинг гоҳ-гоҳ киракашлик билан шуғулланётганлигимни кўриб маслаҳат берган бўлди:

— Энг муҳими — йўловчилар билан камроқ гаплашинг. Акс ҳолда ё таниш чиқиб қолади, ё бўлмаса сирингизни олволиб камроқ тўлашади.

Мен бу касбий маслаҳатга «хўп» дейман. Аммо қурғур йўловчилар тинч қўйишмасдан савол беришгани беришган. Машинамга ўтирган йўловчи кўпинча олдинги ўриндикдами ё унинг ёнидами турган папкани кўрадию шу заҳоти саволга тутади:

— Домламасиз?

— Ҳа, — дейман ноилоҳ.

— И-е, домлалар ҳам киракашлик қиладими? — яна савол беради йўловчим. У ёш, афтидан талаба.

— Керак бўлса қилишди-да, — дейман мен елка қисиб.

— Сиз... анувнақа домла экансиз-да, — дейди йўловчим яна ўз мавзусини қўймасдан.

— Қанақа, анувнақа? — дейман мен сал жаҳлим чиқиб.

— Талабалардан... пора олмайди-

ган, — дейди йўловчим ҳамон ўз билганидан қолмасдан.

— Шунақадир-да, — дейман мен. Талаба менга худди космосдан келган одамга қарагандай қарайди. Мен индамайман. Аммо у манзилга етгач кутилганидан камроқ кира ҳақи узатади.

— Энди рози бўласиз-да, домла... Биз ҳам талабамиз, — дейди у илжайиб.

— Бўпти, бўпти, тушақолинг, — дейман мен ва ичимда: «Пора оладиган домлалар болласин сени», деб қўяман.

БИР МАШИНА
СОМСА

Катта кўчадан кетаётган эдим ёш-роқ бир бола тўхтади.

— Мана бу ерда озгина нарсамиз бор, шуни Тезиков бозориға ташлаб келсангиз...

Масофа узок эмас, рози бўлдим. Бола машинага ўтириб йўл бошлади. Янги тушган кўп қаватли уйларнинг қарши тарафида қолиб кетган пастқамгина уйлардан бирининг эшиги олдида

тўхтади. Бола ичкарига кириб кетди ва бир зумдан кейин каттагина яшикда усти ўралган нарсани бир хотин билан кўтаришиб чиқишди. Бола айтган юк шу шекилли.

— Юкхонангизни очасизми?..

— Бу нима ўзи? — дедим мен ҳайрон бўлиб.

— Сомса, — деди хотин. — Бозор учун тайёрлаганмиз...

Мен «Оббо, бунақалигини билмабманда, машинамга ёғи оқиб кетмасмикин» деб иккиланганимча юкхонани очган эдим ҳамки, йўлнинг у томонидаги гаражлардан бирининг эшиги очилиб, ундан бир ҳам-

касб ошнам чиқиб келса бўладими?

— Э, келинг, келинг, биз томонларга қандай шамол учирди? — деб мен билан сўраша кетди у. Иш боради анча «сири мардум» бўлган бу ошнамга «киракашлик қилиб юрибман» деб гўрда айтаманми?

— Э, шу, шу... — дея олдим холос.

Орадаги ноқулай сукунатни яна ошнамнинг ўзи бузди:

— Сомса буюртирган экансиз-да? — деди у машинага ортिलाётган бир яшик сомсани кўриб. — Бу қўшнилари сомсани жуда боғлашади-да! Нима, ўтириш қиляпсизми?

— Йўғ-е, ҳа... Ҳа...

— Биз беҳабар қолибмиз-да? — деди ошнам сўнг мени ҳоқлатдан чиқариш учун елкамга қокди:

— Майли, майли, кейинги сафар эсдан чиқмасмиз... Олиб боришлар, сомса деганни иссиқлигида дастурхонга тортган маъкул...

— Албатта, албатта... Б-б-боринг.

Сомса машинанинг юкхонасига зўрға сигди. Сомсафурушлар эса ёнимга ўтиришди. Мен ошнам билан шоша-пиша хайрлашиб гази босдим. У менинг сомсага қўшиб сомсапазларни ҳам олиб кетаётганимга тушунмасдан анграйганча ортимдан қараб қолди.

Спорт

Сарҳисоб ва режалар

Акмал Икромов ва Собир Раҳимов туманларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳар иккала туман бўлимлари томонидан жисмоний тарбия ва спортни болалар ўртасида омалаштириш бўйича бажарилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимликлари раҳбарлари, спорт мутасаддилари, ҳомий ташкилотлар, ўқув юртлари раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этди. Баҳс-мунозара тарзида ўтган йиғилишда бу борада бажарилган ишлар ва келгуси режалар сарҳисоб қилинди.

Фарзандлари соғлом юрт...

Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги мактаб-гача тарбия муассасалари жамоалари ўртасида спартакиада мусобақалари уюштирилди. «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур» шиори остида ташкиллаштирилган баҳсларда болажонлар ўзларининг маҳоратларини намойиш қилишди. Байрамонга руҳда ўтган тадбир якунида кичкинтойларга мутасаддиларнинг совғалари тухфа этилди.

«Эски жўва» жамоаси — етакчи

Тошкент шаҳрида «Тошбозорсавдо» уюшмаси соврини учун пойтахтимиздаги бозорлар жамоалари ўртасида мини-футбол турнири ўтказилди. Қизиқарли ва мурасасиз курашларга бой турнир мухлисларда катта таассурот қолдирди. Турнир якунида барча рақибларини енгиб «Тошбозорсавдо» уюшмаси совринини қўлга киритган «Эски жўва» жамоаси аъзоларига эсдалик совғалари тухфа этилди.

Ўзбек кураши — Янги Зеландияда

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган, сеvimли миллий спорт тури курашга алоқадор Янги Зеландиядан хушхабар келди. Хабардан маълум бўлишича, ана шу мамлакат кураш федерацияси ташаббуси билан 14 ёшгача бўлган болажонлар иштирокида ўзбек кураши бўйича турнир бўлиб ўтди. Қувонарли жиҳати шундаки, мусобақаларда голиблик учун 200 нафар Янги Зеландиялик ёш полвонлар ғиламга тушишган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

• ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИНИ ТАРАТАЁТГАНЛАР

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН ЗАФАР БИЛАН

Илгари хабар берганимиздек, Грециянинг Салоники шаҳрида таэквандонинг ITF тури бўйича катталар ўртасида ўн учинчи жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Чемпионатда 86 мамлакатдан ташриф буюрган 900 га яқин спортчи тўрт кун давомида голибларни аниқлаш учун кескин курашлар олиб боришди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ўн икки нафар таэквандочӣ ҳимоя қилган бўлса-да, спортчиларимиз юқори натижаларга эришган ҳолда юртимиз доврӯғини жаҳонга таратдилар.

Натижалар хусусида тўхталадиган бўлсак, Акмал Эргашев финалда жанубий корейлик жуда кучли яккакураш устасини енгган ҳолда олтин нишонни қўлга киритди.

Аёллар ўртасида Алевтина Ким иккита кумуш медаль соҳиби бўлди. Тошкентлик тажрибали ва моҳир спортчиси Леонид Ли ва Михаил Чистяковларга ҳам финалда иштирок этганликларини сабабли иккинчи ўринлар насиб этди. Фахрийдin Умаров, Эркин Наврӯзов, Алишер Маҳмамов ва Шерзод Болтабоевлардан иборат жамоамиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Диана Қобулова, Нодир Ҳожиев ва Алексей Курма-

каевлар бронза нишонлари билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида Ватанимиз таэквандочилари россияликлар билан бирга

яқши натижаларга эришган федерация раҳбари сифатида Халқаро таэквандо федерациясининг махсус ордени топирилди.



Корея Республикаси ва Грециядан кейин учинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа давомида Ўзбекистон таэквандо ITF миллий ассоциациясининг президенти Пўлат Усмоновга энг яқши фаолият кўрсатган ва

— Мусобақалар жуда яқши ташкил этилди, — дейди биз билан суҳбатда Пўлат Усмонов. — Ажойиб маданий дастур, кўргазмали чиқишлар уюштирилди. Спортчиларимиз ҳам ўзларининг бор куч-маҳоратла-

рини кўрсатган ҳолда юқори натижаларга эришди. Масалан, 20 ёшли умидли спортчиси — Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Акмал Эргашев жаҳон чемпиони ҳам бўлди. Кўпчилик мутахассислар Акмал Эргашев, Диана Қобулова, Эркин Наврӯзовларнинг чиройли «жанг»ларини эътироф этишди. Фурсатдан фойдаланиб, жаҳон чемпионати давомида спортчиларимизга Грециянинг диққатга сазовор жойлари билан танишишга катта ёрдам берган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Грециядаги ваколатхонаси ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Ҳозирда республикаимиз таэквандочилари шу ойда ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган республика чемпионати, кузда Санкт-Петербургда ўтказиладиган «Пётр Кубог» ва Лондонда ташкил этиладиган нуфузли халқаро турнирда қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

ДИЛМУРОД ИСМОИЛОВ СУРАТДА: жаҳон чемпионатида зафар кучган ўзбекистонлик таэквандочилар.

ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида икки кун давомида от спорти бўйича Жаҳон Кубогининг II босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда тўртта жамоа — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистоннинг энг кучли ўттиз чавандози ғалаба учун кураш олиб борди.

Ушбу мусобақаларда 150 сантиметрли тўсиқдан ошиб ўтишда Александр Тешков (Қозоғистон) голиб чиқди. Иккинчи ва учинчи ўринларни бир хил очко тўплаган ҳолда ўзбекистонлик чавандозлар Файрат Наза-

ров ва Искандар Йўлдошевлар эгаллашди.

От йўрттириш баҳсларида Анна Лизак (Ўзбекистон) учинчи ўриннинг соҳиби бўлди.

130 сантиметрли тўсиқдан ошиб

ўтишда Искандар Йўлдошев иккинчи ўринни эгаллади. 140 сантиметрли тўсиқдан ошиб ўтиш беллашувларида Иброҳим Йўлдошев ҳам иккинчи ўринни банд этди, яна бир ўзбекистонлик чавандоз Ҳомиддин Содиков эса бронза нишонларини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон чавандозлари учинчи ўринни эгаллашди.

Жаҳон Кубогининг III босқичи шу йилнинг сентябрь ойида Наманган вилоятида бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

• МУЛОҲАЗА

Орасталикка доғ ярашмайди

Истиклол шарофати туфайли шаҳримизнинг кундан-кунга ўзгача чирой очиб, гўзаллашиб бораётгани кишини қувонтиради. Бунёдкорлар томонидан қад ростлаб турган пурвиқор, салобатли биноларга тикилиб фаҳр ва гурур туйғусидан сармаст бўлган ҳар бир инсон кундан-кунга гуллар шаҳрига айланиб бораётган Тошкентимизни кузатиб дили яйрайди. Очигини айтиш жоиз, бундан 10 йил аввалги Тошкентнинг ҳозиргиси билан қиёсласак, осмон билан ерча фарқ борлиги сезилади. Хуллас, шаҳримизни янгидан бунёд этиш, қўқалам-қўқлаштириш йўлидаги бу ижобий ишлар ҳақида тўлқинланиб қанча гапирсак оз. Аммо, орасталикка доғ ярашмайди, деганларидек, баъзан лоқайдлигимиз, маданиятсизлигимиз сабаб бу борада юзага келаётган камчиликлар кишининг дилини хира қилади.

Яқинда маҳалламиз ёнидаги кўп қаватли уйнинг олдидадан ўтареб, ям-яшил спорт майдончаси олдидаги ариқлар ичи ва ёни чикиндилар билан тўлалигига кўзим тушди-ю кўнглим ғаш бўлди. Шуниси ажабланарлики, бу ариқ бир нуфузли илм масканига қарашли ётоқхона олдида жойлашган. Шу боис кўнглимдан мазкур ётоқхонада яшовчи ёшлар енгини шимариб, ҳаммаёқни наҳотки тозалаб қўйишмади, деган фикр ўтди. Ахир ёзда чикиндию ахлатлар тез чирийдӣ, улардан тарқалаётган бадбўй хид киши соғлиғига зарар-ку.

Юқоридаги нохуш манзара ҳақидаги ҳикояни давом эттирадиган бўлсам, ахлатхона олдида енгил машина тўхтади-да, ичидан чамаси 40-45 ёшларни қоралаб қолган киши тушиб келди. Унинг қўлидаги елим халтаси нималар билан тўлалиги менга қоронғу. Аммо у ахлат қутиси томон юриб келиб, бирданига қўлидаги елим халтани қутӣ томон иргитидию машинаси томон юрди. Ажабланарлики, елим халта қутига эмас, ерга тушиб, ичидаги озиқ-овқат чикиндилари ҳар ёққа сочилиб кетди. Энди ундан таралаётган бадбўй хиднинг ёқимсиз эканлигини тасаввур қилинг. Бу ҳолатни эринчоқлик деб бўладими? Асло. Бундай ишни нафақат бошқаларни, балки ўзини ҳам ҳурмат қилмайдиган маданиятсиз киши қилиши мумкин. Шу онда мулоҳаза туғилади. Елим халтани ерга иргитган киши қайсидаир нуфузли ташкилотда ишлар. Тахмин қилайлик, у балки тозалик учун жавобгардир. Лекин орасталикка лоқайдлик билан қарайдиган бундай кишидан нимани қутӣш мумкин?

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтмасак бўлмас. Маълумки, шаҳар йўлларида аҳоли қатновини тартибга солиш мақ-

садида бунёдкорлар томонидан ерости йўллари қурилган. Бунинг пиёдалару транспорт воситалари ҳайдовчилари учун қўлай жиҳатлари кўп эканлиги кундек равшан. Лекин, айрим ерости йўлларимиз қаровсиз аҳволда эканлиги сабаб бу жойларда йўловчиларни учратиш мушкул. Нега дейсизми? Ахир қоронғи, зах бундай ерости йўлидан ким ҳам юрарди? Масалан, Бешёғоч даҳаси ёки Марказий универмаг ҳудудларидаги ерости йўлларидан бир маротаба ўтган киши иккинчи бор бу ерости йўлларининг яқинига йўламайди. Чунки бу ерлар қоронғилигидан ташқари, атрофга қандайдир нохуш бадбўй хид таратиб туради-да. Балки шу боисмикин, йўловчилар бу ерости йўлларидан ўтмай ҳаракат хавфсизлиги қондасини бузган ҳолда ер устидан юришади. Энди шу ўринда Юнусобод тумани «Универсам» бекатидаги ерости йўлидаги орасталиклар ҳақида тўхталашни жоиз деб билдим. Чунки бу ердан ўтган кишининг озодагарчиликдан баҳри-дили очилади. Яна қувончи томони, ёруғ ҳамда кўпгина савдо шохобчалари жойлашганлиги сабабми бу ер озода, ораста.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, айримлар учун кўзга кўринмасдек туюлган бу камчиликлар бир қараганди аҳамиятсизга ўхшайди. Лекин атроф-муҳитимиз тоза, шаҳримиз кўркам, осмонимиз мусаффо бўлса қандай соз. Чунки коинот гултожи — инсон ҳаёти табиий муҳит билан узвий боғлиқ. Шу боис табиатимизни асраш, унинг мусаффолигини сақлаб қолиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи керак.

Зарофат РАҲИМОВА,
Шайхонтоҳур тумани,
«Лабзак» маҳалласи.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлур...

● Бир фозил одамдан:
— Могу дунёси кўп бўлган одамнинг дўстлари, оғайнилари ҳам кўп бўлади, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Фозил айтди:
— Могу дунё баъзи кишининг маъбубаси ва маъшқасидир. Маъшққа қаерда бўлса, ошқлар унга бош эгадилар. Маъшққа, яъни мол-дунё кишининг қўлидан кетса, ошқлар у кишининг ёнига йўламайдилар. Кўрмайсизми, гул ўз этакига зар тўлатиб ишва-карашмалар билан булбулга кўринса, булбул гулга шайдо бўлиб, минг оҳанг билан унинг мадҳини сўзлайди. Гул кесилиб, фақат шох ва барги қолса, булбул унинг отини ҳам атамайди.

● Араб фозилларидан Асмай айтди:

— Мен бир кишининг хузурига кирдим. У киши кичик бўйра устида ўтирганди. Бўйранинг чеккаси-дан жой кўрсатиб, мени ўтиришга таклиф қилди. Мен:

— Раҳмат, ўзингиз ўтираберинг, бўйрангиз кичкина, тор, мен ҳам ўтирсам сизга озгина жой қолиб, роҳатсизланасиз, — деб узр айтдим. У киши узримни қабул қилмай деди:

— Бир-бирига гапи тўғри келмаган икки кишига бутун жаҳон ҳам танглик қилади, аммо дўстлар учун бир қарич ер ҳам бемалол етаберилади.

● Бир донишманддан:
— Қайси одам, қайси миллат афзал? — деб сўрадилар. У донишманд икки кўлига ердан тупроқ олиб:

— Мана шу икки кўлимдаги тупроқнинг қайси бири афзал? — деди. Кейин икки кўлидаги тупроқни бир-бирига қўшиб айтди:

— Икки кўлимдаги тупроқнинг бир-бириндан фарқи бўлмагани каби, ҳамма халқ, ҳамма миллат бир-бирига биродардирлар.

● Диогендан бир одамнинг бойи ёки камбағалми эканлигини сўрадилар.

— Билмайман, — деб жавоб берди Диоген. — Мен фақат унинг пули кўпчилигини биламан.

— Демак, у бой эканда!

— Бой бўлиш ва кўп пулга эга бўлиш — бир нарсас эмас, — жавоб берди Диоген. — Бориға қаноат қилган одамгина чинакам бойдир. Ўзида бор нарсадан кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилган одам, оз бўлса-да, бориға қаноат қилган одамдан камбағалроқдир!

● Донолар мажлисида, улуғлар суҳбатига ўзига муносиб жойда ўтириш донишмандликдан дарак беради. Бошқаларнинг мартабаларига риоя қилиш ақлу идрокка эга бўлган одамда кўринади. Девоналарга ўхшаш андишасиз сўзлаш шармандаликдан нишон беради. Сабабсиз, ўринсиз кулавериш пушаймонлик билан натижаланади.

Суҳбатга лойиқ эмас ҳар
кимса ўринсиз кулса,
Ғар ковуш кулса оёқдан
бўладур, шаксиз узок.

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 300-лицей-мактаб томонидан 1994 йили Тўхтаназаров Қаҳрамон Юлчибоевич номига берилган А№435759 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• «02»

Қонунга хилоф қилмиши фош
этилди

Жамиятимизда турли қинғир йўллар билан мўмай даромад орттиришни кўзловчи нопок кимсалар, афсуски учраб туради.

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармасининг Коррупция, рэкет ва товламачиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан Сергели тумани ҳудудида жойлашган хонадонлардан бирида ноқонуний йўллар орқали республикамиз ҳудудига олиб келинган заргарлик буюмларини олди-сотди қилаётган икки шахснинг қонунга хилоф равишдаги ҳаракатлари фош этилди.

Бу ҳақда катта тезкор вакил Мирсобиёт Маҳмудов шундай дейди:

— Келиб тушган тезкор хабарга асосан, Сергели туманидаги хонадонларда вақтинча ашаб турган Озарбайжон Республикаси фуқароси шахримизда яшовчи бир фуқарога узаро келишилган нарҳда ўзи билан олиб келган тилла тақинчоқларнинг бир қисмини 4000 АҚШ долларига пуллаётган вақтда далилий ашёлар билан қўлга олинди. Текширувлар давомида мазкур хонадондан сотиш учун мўлжалланган яна турли хилдаги қимматбаҳо заргарлик буюмлари топилди.

Олиб борилган дастлабки тергов ҳараёнларидаёқ, бу шахснинг мунтазам тарзда ана шундай қонунга зид ҳолда фаолият юритиб келганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Маслаҳатлар

ТУРМУШДА АСҚОТАДИ

Кийим-кечакларни кир ювиш машинасига солишдан аввал тугмаларини қадаб тескари ўтгирасиз. Шунда тугмалар бевақт узилиб кетмайди.

Агар мой идишни шўр сувда ҳўлланган сочиққа ўраб қўйсангиз, сариёғ иссиқ кунда ҳам эримайди.

Доимо тетик юришни ва яшаришни ис-

тасангиз, французларнинг ушбу маслаҳатиға амал қилинг: кўп овқат еманг, ичманг, чекишга берилманг, телевизор қаршисида кўп ўтирманг, миш-мишларга эътибор берманг, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни тутат биланг.

Кийимнинг ранги мустаҳкамлигини билмоқчи бўлсангиз, бир парчасини совунли иссиқ сувга 10 дақиқа солиб қўйинг. Сўнгра чайиб, 20 дақиқа давомида совуқ сувга солинг. Агар сувга бўёқ чиқмаса, кийимни хавотирсиз ювишингиз мумкин.

Қаҳ-қаҳа

Хўкизни устига духоба ёпиб, янги арқонга боғлаб бозордан ўтиб кетаётган одамдан сўрашибди:

— Биродар, нега хўкизингизни бунчалик ясатгансиз? Уни сотасизми?

— Йўқ, мен бу хўкизни ҳеч қачон сотмайман, чунки унда зўр хислат бор.

— Қандай хислат экан? — қизиқиб сўрашди уни ўраб олган одамлар.

— Бу хўкиз доим маҳалламиздаги ҳеч қаерда ишламайдиган, ичкиликка муккасидан кетган, барчанинг тинчини бузадиган одамларни сузиб, қувиб юради.

Шунда бирданги бир неча киши ундан илтимос қила бошлашди:

— Сотмасангиз, ҳеч бўлмаса хўкизингизни бирикки кунга маҳаллага бериб туринг.

Ичкиликка берилган киши эрталаб бир кўлини боғлаган ҳолда қўшнисиникига чиқиб, шикоят қила бошлади:

— Тўлқинжон, дўстим одамлар жуда ноинсоф бўлиб кетганда. Кеча Мухаммадийнинг тўйидан қайтаётганимда, кўлимни босиб олишса бўладими?

Хозиржавоб қўшниси дебди: — Дилшоджон, ўзингиз ҳам уйингизга икки оёқда юриб келмаган бўлсангиз керакда.

Жарроҳ қабулхонасига

• ТАНЛОВЛАР

Келажагимиз ворислари — ёшларимизни ватанпарвар, эл-юртига садоқатли, маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб воёга етишлари шу куннинг долзарб талаби эканлиги кундек равшан. Шу боисдан ҳам ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтишини таъминлаш, улар онгига миллий қадриятлар ва анъаналар руҳини сингдириш муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, ёзги таътил кунларида болажонларнинг мириқиб ҳордиқ олишларига кўмак бериш, уларни турли хил тўгаракларга жалб этиш ёшларимизнинг ёт иллатлар таъсирига тушиб қолмаслигига, гиёвандликка ружу қўймаслигига сабаб бўлиши шубҳасиз.

Гиёвандлик — умр заволи

Куни кеча Ҳамза туман қурилиш касб-хунар коллежида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болажонлар иштирокида уюштирилган плакатлар кўрик-танлови «Гиёвандлик — умр заволи» деб номланди. «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Ҳамза туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган ушбу кўрик-танловда 200 нафарга яқин бола-ча ва ўсмирлар «ажал оғу»си бўлмиш гиёвандликни қораловчи ўзлари тайёрлаган ранг-баранг плакатлари билан иштирок эттишди.

Шунингдек, туман маданият уйи санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар ҳамда болажонлар томонидан саҳналаштирилган томошалар эса тадбирнинг фойизига фойда қўшди. Ушбу тадбир якунида ғолибликни қўлга киритган иштирокчиларга мугтасадилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Камолиддин ИЛҲОМОВ

• АЖОЙИБОТЛАР

УСТА ТАҚЛИДЧИ

Тақлидчилик ҳам ўзига хос бир санъат. Ҳиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида яшовчи актёр Ширинивас тақлиднинг устаси Франглардан ҳисобланади. У дам олмай 32 соат мобайнида 500 дан ортиқ томошабинга танқил сиёсий арбобларнинг, кино юлдузларининг, машҳур кишиларнинг, қуш ва жониворларнинг овозини ва характерли «қилиқлари»ни қўйилмақом қилиб ижро этиб, олқишларга сазовор бўлди.

КўП ГАПИРИШДА
ЧЕМПИОН

Чилида истикомат қилувчи диктор Мигель Анхел Наваррет агар кўп гапириш бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилса, албатта биринчилиكنи олса керак. Томе шахри радиостанциясининг юбилейига бағишланган байрам эшитиришида у тўхтамай 113 соату 7 дақиқа гапирди ва барча ҳамкасбларини лол қолдирди.


ҚАРСАКЧИ

Қарсақлар албатта, маълум сабабларга кўра чалинади. Лекин Ҳиндистонда яшовчи банк хизматчиси Жалрам узок муддат қарсак чала олишини тасдиқлаб, шўҳрат қозонмоқчи бўлди. У 67 соат давомида тинмай кафтини-кафтига уриб қарсак чалди. Бу рекордчи қарсакчини фақат шифокорларгина бу ишдан тўхтата олишди. Чунки бир-бирига урилаётган кафтлар шишиб, қон оқа бошлаган эди.

РЕКОРДЧИ
ГИТАРАЧИЛАР

Перулик уч нафар йигит гитара чалиш бўйича «қаҳрамон» бўлишди. Улар гитарада 55 соат куй ижро этишиб, томошабинларни лол қолдиришди. Фақатгина ҳар соатда 10 дақиқадан дам олишди ҳолос. Гитарачилар бу ҳолни узок давом эттиришлари мумкин эди, лекин уларни навбатчи шифокор бу ишдан тўхтатди. Чунки уларнинг кўллари қонга беланиб кетганди.

Оқнор ҲАЗРАТОВ
тайёрлади.



Изоҳга ҳоҳат йўқ.
Абдурашул Ҳакимов
чизган расм.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
4294 нускада босилади. Қўғоғи биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ғазета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақамли билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почташига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ғазета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиш ва саҳифаланиши.

«Шарқ» нашрийт-матбоси акциядорлик компанияси босмоқхонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.